

• БҮХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ •

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ХОЛАТИНИ БАҲОЛАШ:

МУДДМОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯ:

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ




8

65.05
4-24

Н. Ҳасанов
С. Пажбиддинов

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ
ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ:
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8-чиқарилни



Ташкент — 1999

КИРИШ

Тақризчилар:

Ю. М. Иткин — Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ға аудиторлар уюшмаси раиси, иқтисод фанлари доктори.

А. А. Ризоқулов — «Ҳисобчи» МЧЖ бошқаруви раиси, иқтиса фанлари номзоди.

С. В. Воҳидов — ТДИУ бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди.

Ҳасанов Н., Нажоиддинов С.

Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: Муаммолар ва уларни ҳал қилиш. 8-чиқарилиш. — Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 й. — 224 б. («Бухгалтер кутубхонаси» туркум)

1 Ҳаммуаллиф

Ушбу китобда корхоналарни согломлаштириш ва банкротликдан ҳолос этиш мақсадида корхоналар молиявий ҳолатини таҳтил қилиш, уларнинг ҳужатик фаолияти, қўйилган сармоянинг қанчалик ўз-ўзини оқташи, хатарлилик ларажаси, рентабелликни баҳолаш имконини берадиган молия коэффициентлари угариши билан бөглиқ (мутлақ ва нисбий) курсаткичлар тизими келтирилган.

ББК 65.053+65.9(5У)26

Бозор иқтисодиети шароитида корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот етакчи булиб, фойдаланувчиларнинг турли тоифалари: менежер, акциядор, кредитор, эҳтимолий инвестор, етказиб берувчилар, давлат органдари ва бошқалар манфаатларини қамраб олади. Бунда фойдаланувчиларнинг ҳар бир тоифаси корхона молиявий ҳолатини баҳолашда ўз мақсадларидан келиб чиқади ва ўз месонларига этадир.

Менежер учун ҳўжатик фаолияти самарадорлиги, фойдаланиладиган ресурслар ва олинган натижаларни баҳолаш ғоятда муҳим ўрин тутади. Мулжалорлар ва акциядорларни эса биринчи навбатда қўйилган сармояларнини узини оқлаши, хатарлилик ларажаси ёки эҳтимолий зарарлар қизиқтиради. Кредиторлар инвестиция мабдагларининг қайтиши истиқболларини баҳолашдан келиб чиқиша, мол етказиб берувчилар корхонанинг етказиб берилган маъсулот ва курсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тұлап қобилитиини баҳолашади.

Бундан ташқари, юқорида санаб утилган фойдаланувчиларнинг ҳаммаси бошқа мақсадларни, ҳусусан, корхона молиявий жиҳатдан согломлаштириш, иқтисодии номорлик ва банкротликнинг олдини олишини ҳам кўзда гутагиллар.

Корхонанинг иқтисодий «касаллиги» купинча яширинча келали ва уни ўз вақтида пайқаб, оғир аҳволга тушиб қолишнинг олдини олиш учун ишоңчиз шерикларни аниқлаш, вазиятни холис баҳолаш, корхонанинг вақтинчалик тўловга ноқобилтигини корхонанинг ҳақиқатан иқтисодий почордигигдан фарқлай билишини урганиб олиш зарур.

Корхона молиявий ҳолатини таҳли қилиш-баҳолаш нағижасида улар иқтисодии ҳолатинини у ёки бу мезонлари билан бөглиқ барча саволларга жавоб топиш мумкин.

Гўлиқ таҳтил корхонадаги ишларни юқори ларажада объектив баҳолаш ва тўғри қарорга келиш имконини беради. Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳтил қилиш учун молиявий курсаткичларни улчаш билан бөглиқ мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар тизими қўлланади. Айни шудар мазкур китобининг мавзусини ташкил этади.

КОРХОНАНИНГ ТУЛОВГА ҚОБИЛЛИГИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛIGИНИ БАҲОЛАШ

Корхона фаолиятини баҳоланида аввало унинг тұловға қобиллиги ва молиявий барқарорлігі күрсәткічларидан келиб чиқылады. Шунинг учун молиявий ҳолатни чукур таҳдит қыттың айни шу курсаткічлардан болашанади.

Тұловға қобиллик дегендә корхонанинг қисқа муддат-ли мажбуриятлари бүйіча үз вақтида ва тулық ҳажмда ҳисоб-китобларни амалға оширишга қодирлігі түшүніләди. Бундай мажбуриятларға, масалан, иш ҳақи бүйіча ходимлар билан, олинган товар-моддий бойліктар ва курсатылған хизматтар учун мол етказиб берувчилар билан, ссудалар, бюлжетта ғұловлар бүйіча банктар билан ҳисоб-китоблар ва бошқалар киради.

Тұловға иоқобиллик вақтінчалик ҳамда узоқ муддат-ли, доимий бұйини мүмкін. Бунинг сабаблари ички, яни молиявий ресурсларнинг стилемаслігі, сотувлар ҳажми ва тегиншілі равинша түшүннинг камлигі, оборот маблағлары етарлы әмаслігі ҳамда ташқи — контрагентлардан ғұловларнинг үз вақтида көлмаслігі ва бошқалар бұлади.

Тұловға иоқобиллик белгилари балансии үқишилаёқ «оқсаёттан, қаноатланырмайдыған» муддаларнинг мавжудлігі ва зарарлар ақс этиши билан күзға ташланади. Бирок ғұловға қобиллик қурсаткічлар тизими ёрдамида янада аникроқ ва асослироқ баҳоланади (1-чизма). Бундай баҳолашнинг умумий ғоясими жориі мажбуриятларни үларни сүндиріши учун сарфланадиган активлар билан даққослашташқылт әтади. Жориі активлар (мажбуриятлар)ға муомала (сүндиріши) муддати бир йилгача бұлған активлар (мажбуриятлар) киради. Ғұловға қобиллик курсаткічларының бізнес-білік коэффициентлер бўлиб, бунда суратда жориі активлар, маҳражда эса жориі (қисқа муддатли) мажбуриятлар ёзилади.

Тұловға қобилликнинг эш аниқ, умумланырылған курсаткічи сафарбар ликвидлик қозғалышында болып, үбарча оборот маблағларини сафарбар қылғанда, корхона қисқа муддатли мажбуриятларнинг қандай қисмини қоп-

жашы мүмкінлігінің күрсатади. Түловға қобилтікни тавсифлаш учун бошқа күрсаткыштар ҳам құланади. Уларнин асосийларини куриб чиқамиз.


Муддатлы ликвидтік коэффициенті — ликвидтік ёки қоопланш коэффициентінің бир түри болып, унда суратта фақат негіз маблағлари, қисқа муддатлы қүйілтмалар ва соғ дебиторлік қарзи ҳисобға олинали, товар-моддий захира-лар эса истиғисно қилинади. Бу иштеб чиқарыш захиралари мажбураан сотилғанда олинадиган негіз маблағлари үдерни харыл қылғандагы харажаттардан анча кам булиши билан и юхданади. Чунончы, хорижий иқтисодчилар маълумот-ларига қараганда, банкрот бўлган корхоналарни тутагиши пайтида олинадиган маблағ иштеб чиқарыш захиралари ҳисобдаги қийматининг кўти билан 40 фоизини ташкил этади:

Муддатлы ликвидтік коэффициенті	Пул маблағлари, қисқа муддатлы қүйілтмалар ва соғ дебиторлік қарзи (170-сатр (1-ш.)дан 290-сатрғача (1 ш.))
	Кисқа муддатлы мажбуриятлар 1-ш. (420-сатрдан 530-сатрғача — (400 + 410 + 370 + 300)

Бунда қавс ичида бухгалтерия баланси (молия ҳисоботи) даң олинадиган бошланғич күрсаткышларнинг хос рақамлари (кодлари) берилган.

Гарбда бу коэффициенттін қиймати 1 дан кам бўлмаслиги керак, деб ҳисоблашади. Туғри, муддатлы ликвидтік коэффициенттін жуда юқори күрсаткыш соғ дебиторлік қарзининг асоссиз равишда усіб кетиши на-тижаси булиши мүмкін. Соғ дебиторлік қарзи деганды нафақат инвентарлаш йули билан аниқланган, балки гу-монли (ишончсиз) қарзлар чегирилган қарзлар ҳам ішшу-нилади. Утиш иқтисодиёти шароитида қарзларни амалда унлиришнинг қатор имкониятлари мавжуд булмайди, қисқа муддатлы молиявий қүйілтмалар эса ривожстанган иқтисодиётінга эга бўлган мамлакатлардагидек молия воситаси ажамияттін касб этмаганligи сабабли мазкур коэффициенттін ҳақиқий қиймати 0,6-0,7 дан ортиқ эмас.

Молиявий ҳисобот маълумоти учун хос рақам иккі қисмдан иборат: биринчи қисми ҳужжат хос рақамини, иккинчиси — ҳужжатдаги сатр рақамини күрсатади. Молиявий ҳолатни баҳолашда фойдаланиладиган молия ҳисоботи шакллари қуйилғалардир:



1-ЧИЗМА

1-пі — 1-шакт «Корхона баласи»;
 2-ш — 2-шакт «Молиявий натижетар ҳақида ҳисобот»;
 3-пі — 3-шакт «Асосий маблаглар ҳаракати ҳақида
 ҳисобот»;
 4-ш — 4-шакт «Пул оқымлари ҳақида ҳисобот»;
 5-ш — 5-шакт «Үз сармоясы ҳақида ҳисобот».

Баъзи эксперталарниң фикрига қарғанда, республикалық шароитида түлөвтә қобилтүкни жорип да муддатлы ликвидлик коэффициентлари эмас, мұндақ ликвидтик коэффициенті энг аник акс әттіріші мүмкін.

Мұтлақ ликвидтік коэффициенти корхонаға тегишті бўлган банклардаги ва касса ҳисобварақтаридаги пул маблағларининг қисқа муддатли мажбуриятларга иисбатини ташкил этади. Бу тўловига қобилликнинг энг қатъиӣ мезони бўлиб, қисқа муддатли мажбуриятларниң қандай қисми дарҳол сундирилиши мумкинligини кўрсатади. Бу коэффициент қиймати 0,2 дан кам бўлмаслиги керак, деб ҳисобланади.

Мугаз ликвидашк коэффи циенти	Пул мабләгләри I-ш (170 + 180 + 190 + 200 + 210) Киска муддатлы мажбуриялар I-ш (420 дан 530 тача) – (400 + 410 + 370 + 380)
--	---

Соф тушум коэффициенти — соф фойда ва амортизация ажрагмалари йиғиндисининг товарлар ва хизматларни сотишлиан келган ва ҚҚС, акцизлар ва божтар чегиргилгандан кейин қолған тушумга иисбатидир. Соф фойда ва амортизация ажратмаларидан ташкил топадиган соф тушум пул шактида корхона оборотида қолади. Амортизация ажратмалари суммаси эса эскириш ва маҳсулот (ини, хизмат)лар таниархи орқали корхона оборот маблагларига келиб тушади. Бунда ҳисобот даври учун асосий воситалар ва номоддий активлар буйича ҳисобланган эскириш иnobatga олинади. Тушум умумий суммасидаги соф тушумнинг улуши қанчалик күп бўлса, корхонанинг ўз қарз мажбуриятларини сундириши имконияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Соф түшүм
коэффициенти
Соф фойда + Амортизация 2-ш (200) + 1-ш (021)
Сотишлән түшгән соф түшүм 2-ш (050)

Соф түшум коэффициентининг пастлиги (фикримизча, 0,1 дан камтили) корхона оғир молиявий ҳолатдатиги ва ундан яқин орада мустақил равишда чиқа олмаслигидан далолат беради.

Оборот сармоясинаң ҳаракатчалыгы коэффициенти — оборот сармоясидаги захира па ҳаражатлар улуши. Оборотдаги (ҳаракатдаги), ишлаётган сармоя деганда қисқа мудлатли мажбуриятлар сундирилгандан кейин оборот маблағларининг корхона жорий ҳаражатларини тұлаш учун қолған қисми түшунилади. Ҳаракатдаги сармоя жорий активлардан қисқа мудлатли мажбуриятлар айрмаси сифатыда ҳисобланади.

Оборот сармоя- синаң харакат- чалыгы коэффи- циенти	Захирадаң па ҳаражатлар 1-ш (120 + 130 + 140 + 150 + 160)			
	Захира па ҳаражат- лар	Пул маблағла- ри, ҳисоб-ки- тоблар па баш- қа активлар	Ҳисоб- китоблар па башқа пассивлэр	У, оборот маблағла- ри мав- жудлығы
	1-ш 300 – (420 дан 530 гача)	– (400 + 410 + 370 + 380)		

Бу күрсаткыч қанчатик юқори ва I га яқин бұлса, шунчалик әмон, чунки уз оборот маблағлари таркиби үзіндегі захирада ҳаракатсиз ёттан сармоя улуши шунчалик күп булади.

Корхона молиявий ҳолатининг әмоналашиши оқибатида үзининг сармояси күпроқ сарғланади ва табиий равища қарзға болылади, бу эса үз навбагида корхона молиявий барқарорлыгининг пасайишидан далолат беради. Молиявий барқарорлыкни активлардаги үзининг ва қарз маблағлари нисбати, үз маблағларни туплаш суръатлари, корхона узоқ мудлатли па қисқа мудлатли мажбуриятларининг нисбати, моддий оборот маблағларининг үз маңбалары билан қанчалик тәьминланғанligи бүйіча баһолаш мүмкін.

Ликвидлик ва молиявий барқарорлик күрсаткычлари бир-бiriни үзаро тұлдериб, биргаликда корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида тасаввур беради. Агар корхонада похуш ликвидлик күрсаткычлари аниқтаниб, бироқ у молиявий барқарорлыгини сақтаған қолса, оғир ақвоздан чиқып кетиш учун имкон топыны мүмкін. Алғы ликвидлик ҳамда молиявий барқарорлик күрсаткычтарининг иккаласи қони-

қарсиз бұлса, бундаі корхонанинг банкрот булиш әхтимо-
ли юқоришир.

Молиявий нобарқарорликни енгіб уғиши жуда мүш-
кул: бунинг учун вақт да инвестициялар әзірлеңең. Сурункали
«қасалланған», молиявий барқарорлыгини йүқтіп төзіп
корхона учун вазиятнинг салбай томонға бироз үзгариши ҳам
түғридан-түғри банкротликка етакташи мүмкін. Молия-
вий барқарорликнинг асосий күрсаткышлари күйилдігілар-
дір:

Мухторлық коэффициенти — корхона үз маблағлари-
ниң баланс активлари умумий сумаасынан аз болғанда:

Мухторлық коэффициенти	Үз маблағлары мәнбалары 1-ш (390)
	Активлар сумаасы 1-ш (310)

Мухторлық коэффициенти корхонанинг кредиторлар-
дан молиявий мустақильтігі даражасында акс әттиради.
Акциядорлық жамияттарига тағбиқан үшбу күрсаткычнинг
бошқа тури — акциядорлық сармояси түпланиши коэф-
фициенті құлланади. Мухторлық коэффициентидан фарқ-
ли равишда мазкур қолда суратда барча үз маблағлари эмас,
фақат акциядорлық сармояси (устав, құшилттан ва резерв
сармояси) күрсатиласы:

Акциядорлық сармоясның түпланишин коэффициенти	Акциядорлық сармояси 1-ш (320 + 330 + 340)
	Активлар сумаасы 1-ш (310)

Мухторлық ва акциядорлық сармояси түпланиши ко-
эффициентлари 0,5-0,6 дан паст бүлмаслиги лозим, деган
фінкір тарқалған. Үшбу коэффициентларниң паст қыймат-
ларына кредиторлар ва бошқа инвесторлар томондан кор-
хонага ишонч билдирилмаіди, деб ҳисобланади.

Қарзга олинған ва үз маблағлари нисбати коэффициен-
ти ҳамда молиявий бўйсунин коэффициенти каби күрсат-
кыштар мухторлық коэффициентининг ҳосилалари бўлиб
хизмат қилади. Қарзга олинған ва үз маблағлари нисбати
коэффициенти — жалб қилинған сармоянинг (1-ш 540) үз
сармоясига (1-ш 390) нисбатидир. Табиийки, мухторлық
коэффициентининг йул қўйилған қыймати 0,5 бўлғандықта қар-
зга олинған ва үз маблағлари нисбати коэффициенти 1 дан
отомаслиги лозим. Молиявий бўйсунин коэффициенти мух-

торлык коэффициентига тескари қиймат еки I ва мухторлык коэффициенти айирмаси (янын активлардаги қарз маблағлары улущи) сифатыда ҳисобланади.

Карз маблағлариниң узоқ муддатта жалб қилиш коэффициенти узоқ муддатли мажбурияттар суммасини уз маблағлары ва узоқ муддатли мажбурияттар иификасига булинш йөли билдирилгенде:

$$\frac{\text{Карз маблағлариниң}}{\text{узоқ муддатта жалб}} = \frac{\text{Узоқ муддатті мажбурияттар I-ш (400 + 410)}}{\text{Уз маблағлары манбалари I-ш (390) + Узоқ муддатті мажбурияттар I-ш (400 + 410)}}$$

Бу курсаткич хорижий хужалык амалиётида кең қултанды. Молиявий барқарорлыкниң бопқа күрсаткичлари сиптери у ҳам үша тармоқтаги үхшаш тавсифли бопқа корхоналар билдирилгенде энг түлік қултанаади.

Инвестицияларни қоңтап коэффициенти уз маблағлары ва узоқ муддатли мажбурияттарниң корхона активлары умумий суммасидеги улущини акс эттиради:

$$\frac{\text{Инвестиция-}}{\text{ларни қоңтап}} = \frac{\text{Уз маблағлары манбалари I-ш (390) + Узоқ муддатті мажбурияттар I-ш (400 + 410)}}{\text{Активлар суммаси I-ш (310)}}$$

Бу курсаткич мухторлык коэффициентига нисбатан унга қаттый чекланмаган. Егер амалиётида бу коэффициенттің меъердаги қийматы тахминан 0,9 га теңг бўлиши керак, деб қабул қилинган. Унинг 0,75 гача камайини мушкуликни билдирилади.

Уз маблағларни ҳаракатчантири коэффициенти — уз оборот маблағлариниң уз маблағларни манбалари умумий суммасига нисбатини ташкил этади:

$$\frac{\text{Уз маблағларни}}{\text{ҳаракатчан этил}} = \frac{\text{Уз маблағларни манбалари I-ш (390) - Узоқ муддатті активлар I-ш (110)}}{\text{Уз маблағларни манбалари I-ш (310)}}$$

Мазкур коэффициент корхона Уз маблағларининг ҳаракатчан шакидаги, нисбатан ёркин фойдаланиш мумкин бўлган қисмини кўрсалади. Бавзи муаллифлар учибу курсаткичининг энг мақбул қиймати 0,5 атрофида бўлиши керак, деб ҳисобланади.

Юқорида таъминланганың, қарздор корхоналар мөдиявий барқарорлыгини баҳолани усулбиятила ҳаракатчандик коэффициенти оборот маблагларининг ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти ёрдамила аниқталади. Унбу коэффициенттинг паст мөърий қиймати 0,1 га тенг. Мазкур кўрсаткичга қушимча сифатида уз оборот маблагларини захира ва хражатлар қийматига булиш орқали захира ва хражатларни ўз манбалари билан таъминланган коэффициенти ҳисобланади. Бу кўрсаткич умумланғириган статистик маълумотлар бўйича қатор корхоналарда 0,6 дан паст бўлмаслиги керак.

Захира ва хражатларни таъминланган коэффициенти	 маблаглари мэнбалари 1-ш (390) – Асосий воситалар ва кўйилмалар 1-ш (110)
	Захира ва хражатлар 1-ш (310)

Кредитлар бўйича тўловларни қоплаши коэффициенти – корхона фойдаси ва кредитлар бўйича тўловларни акс этирадиган кўрсаткич. Хорижий хужалик амалиётида бу кўрсаткич турли усулларда ҳисобланади, масалан, суратла фоила ёки даромад (солиқтар тўлангунига қадар) қушув амортизация ажратмалари, маҳражда эса – кредитлар ва ссудалар бўйича фоиз тўлоқлари ёзилиши мумкин. Мамлакатимиз моливий ҳисоботида фоиз тўлоқлари алоҳида акс этирилтмаёди, шунинг учун кўрсаткич қўйилати куринишга эга:

Кредитлар ва қарзлар бўйича тўловларни қоплаш коэффициенти	 Солиқлар тўлангунишга бўлган фоизда 2-ш (170)
	Кредитлар ва қарзлар бўйича тўланган фондер 2-ш (135)

Хорижий ҳисоб юритиш амалиётида бу курсаткич кредиторлар томонидан корхонанинг тўловлар бўйича мажбуриятларини қоплашпа қобиллигини тахминий баҳолаш учун кулланади.

Узоқ муддатли инвестицияларни таъминланган коэффициенти ўз сармояси ва узоқ муддатли мажбуриятлардан ташкил тонгай инвестицияланган сармоянинг қапдан улущи асосий воситаларга жорий қилинганлигини курсатади:

Узоқ муддатли
инвестициялар
тәъминлаши
коэффициенти

Асосий воситалар, помолдий активлар ва сармоя
күйилмалари (1-ш 012 + 022 + 030)

Ўз маблаглари маңбалари (1-ш. 390) + Узоқ
муддатли мажбуриятлар (1-ш. 400 + 410)

Иммобилизация коэффициенти — асосий воситаларининг
жорий активлар, яъни оборот воситаларига нисбаги:

$$\text{Иммобилизация} = \frac{\text{Асосий воситалар ва қўйилмалар 1-ш (110)}}{\text{коэффициенти}} \quad \text{Жорий активлар 1-ш (300)}$$

Ҳисобнинг таҳтилий амалиётида молиявий барқарор-
ликнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам қўлланади, бироқ банк-
роғ бўлиш хатари нуқтаи назаридан олганда корхона молиявий
нобарқарорлиги аломатларини аниқлаш учун
юқорида келтирилган кўрсаткичлар етарлидир.

Мисол сифатида «ТЕКСТИЛЬ» корхонаси учун
юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган
ликвидлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизи-
ми бериган (1-жадвал). 1-жадвалдан куриниб турибдики.
«ТЕКСТИЛЬ» корхонасининг барча ликвидлик кўрсаткич-
лари қониқарсиз аҳволдадир. Молиявий барқарорлик
кўрсаткичларига бир хиља баҳо бериб булмайди Агар мух-
торлик, акциядорлик сармояси тўпланиши, қарзга олин-
ган ва ўз маблаглари нисбати ва захираларни ўз молиялаши
маңбалари билан таъминлаш коэффициентлари меъёрий
қийматлар чегарасида бўлса, уз маблаглари ҳаракатчали-
ги ва оборот маблагларини таъминлаш коэффициентлари
меъёрлани настдир. Корхона ҳали танг ҳолатда эмас, бироқ
унинг тўловга қобиллиги мушкул даражада турибди.

**«ТЕКСТИЛЬ» корхонасининг тўловга қобиљиги
ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари**

Курсаткич	Ҳисобот даври		Меъерий қиймат
	01.01.97	01.01.98	
Тўловга қопиллик кўрсаткичлари			
Жорий ликвидтик коэффициенти	1,467	1,627	<2
Муддатли ликвидтик коэффициенти	1,078	1,001	>1
Мутлақ ликвидтик коэффициенти	0,134	0,241	>0,2
Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари			
Мухтюрлик коэффициенти	0,722	0,736	>0,5
Акциядорлик сармояси тўплениши коэффициенти	0,278	0,264	
Қарзга одигит ва ўз маблағларни исебати коэффициенти	0,386	0,359	<1
Инвестицияларни қоплаш коэффициенти	0,778	0,626	
Ўз маблағлари ҳаракатланлиги коэффициенти	0,180	0,225	<0,5
Ўзининг маблағларини ўз маблағлари билин таъминлаш коэффициенти	0,318	0,385	>0,1
Захираларни ўз манбалари билан таъминлаш коэффициенти	0,878	0,783	>0,6
Ўзоқ муддатли инвестицияларни таъминлаш коэффициенти	0,954	0,923	
Иммобилизация коэффициенти	0,592	0,570	

КОРХОНА АМАЛИЙ ФАОЛЛИГИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ТАҲДИЛ ҚИЛИШ

Амалий фаоллик кўрсаткичлари корхона уз маблағларини қанчалик самарали ишлаетганлигини таҳдил қилиш имконини беради. Одатда, бу кўрсаткичларга турли оборуда бўлган маблағлар кўрсаткичлари киради.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолиятининг қанчалик фойда беришини акс эттиради. Бу кўрсаткичлар олингани фойданини сарфланган маблағларга ишебар ёки сотишдан олингани фойданинг сотилган маҳсулот ҳажмига ишбати сифатида ҳисобланади.

Оғир молиявий аҳволда бўлган корхонада амалий фаоллик, рентабеллик ва мавжуд активлар унумдорлигининг наст курсаткичлари куятилади. Молиявий-хўжалик фаолиятининг зарар куриши корхона банкротлик хатари оллида турғанлигидан даюлац беради. Бироқ, бу зарар куриб ишлаетган ҳар бир корхона дарҳол банкрот бўлади, детан маънени билдирамайди. Зарар куриб ишлани вақтинчалик бўлиши мумкин, корхона раҳбарияти ва менежерлари санарабахш қарорларга келиб, уни бундай ҳолагдан чиқарини эҳтимоддан холи эмас. Бошқа томондан, юқори рентабеллик банкрот булиш хатаридан холос этмайди, чунки корхона фойда олган тақдирда ҳам ҳисоб-китоб варагиди ёркин маблағга эта бўлмай, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилила олмайди. Зоро, узиш муддати чузиб юборилган кредиторлик қарзининг мавжудлиги банкротликни асосий аломатидир.

Бу жиҳатдан француз мутахассислари қизиқарли маълумотларни берадилар. Банкрот бўлган корхоналарни текшириш чонида зарар куриб ишлаетган корхоналар 38 фойни ташкил этган, қолган 62 фойн эса рентабел корхоналар бўлган. Банкрот бўлган рентабел корхоналар уз хусусиятлари бўйича қўйилаги тарзда тақсимланади (умумий якунга ишбатан фойзда):

«заниф» — наст рентабелли ва молиявий побарқарор корхоналар	30
«ута нафсонаиятли» — наст рентабелликда ишлайди чиқарини ҳажмстарини оширган корхоналар	11

«иуфузли» — қониқарлы рентабеллик ва молиявий барқарорлык күрсаткичларига эга, бироқ хатарлы төвар сиёсатини юритган корхоналар	8
«ёш» — ўта юқори усии суръатларига эга, наст рентабеллик ва чекстанган асосий воситаларға эга корхоналар	5
Ликвидтик маблағлари доим етишмеган, рентабелликнинг қониқарлы ва ликвидтик ҳамда молиявий барқарорликнинг қониқарсиз күрсаткичларига эга бўлған корхоналар	4
Қатъий бошқарув тузилмасига эга, катта қушимча харажатларига, қониқарлы рентабеллик ва молиявий барқарорлик курсаткичлари билан ишлаган корхоналар	4

Юқорида айтилган корхоналар түрухтарининг банкрот булишинин бевосита сабаблари турличади. Зарар кўриб ишләтган ва наст рентабел корхоналар арзимас сабабга кура, масалан, мижознинг банкрот булиши, вексель учун ҳақ тўлашдаги узилишлар, муайян битим билан боғлиқ зарарлар ва ҳоказолар түфайли банкрот булиши мумкин. Рентабел корхоналар қўйидаги сабабларга кура касод бўлади: 1) алоҳида лойиҳалар ва битимларни амалга оширишлаги жиший муваффақиятсизликлар, зарар кўрса-тиётган корхоналарни харид қўлиш, фаолият турини ўзгартириш ва ишлаб чиқаришни диверсификацияланӣ ва бошқалар түфайли; 2) бозор конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олмаган ҳолла мослашувчан маҳсулот турлари, инвестиция ва техника сиёсатини юритиш натижасида; 3) корхонага боғлиқ булмаган ташқи сабабларига кура (доимий харидорнинг банкрот булиши, солиқлар ставкалари ва божтарифларининг иокулай ўзгариши, кредитланӣ шартларини янада қатъийроқ белгилаш ва бошқалар).

Банкроликни таҳтил қилиш (таниҳис қўйиш)да фақат ликвидтик ва молиявий барқарорлик күрсаткичларини эмас, батки рентабеллик, амалий фаоллик ва активлар унумлигини ҳам текшириш керак. Фақат корхона фаолиятини тўтиқ текширишгина унинг иқтисодий ҳолати тўрисила йўлиқ тасаввур бериши, яқин ва узоқ келажакда жилдий қийинчиликларига сабаб будини мумкин булган янриин ноҳуи жараёнларни аниқланӣ имконини беради. Агар тўловига

ноқобиллик ва молиявий нобарқарорлик — эхтимолий банкрот булиши индикаторлари ҳисобланса, рентабеллик па амалий фио-тикниң қониқарсиз курсаткичларига банкротликни албатта белгилайдиган эмас, балки молиявий қийинчиликларни чукурланыпрадиган, банк ротлик эхтимолини оширадиган жиҳаттар сифатида қараши лозим. Шундай қилиб, юқорида көлтирилған маълумотлардан келиб чиқиб, банкрот бўлган корхоналарнинг 16 фоизи меъёрдаги рентабелликка эга булган; 28 фоизи эса сотиш ҳажмларини ҳатто мунтазам ошириб борган корхоналар эканлигини айтиш мумкин.

Фойдаланиладиган ресурслар самарадорлиги (унумдорлиги)нинг асосий кўрсаткичларида тұхталамиз. Барча активлар унумдорлиги (оборотда бўлиши) — маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотицдан келган тушумнинг барча активлар ўртача йиллик суммасига нисбатидир:

Барча активлар	=	Сотицдан келған тушум 2-ш (050)
унумдорлиги		Активлар ўртача йиллик суммаси 1-ш (110-сатр)

Активлар унумдорлигини баҳолашда иштаб чиқаришининг тармоқ хусусиятлари ва аввало фонд ҳажмиши ҳисобга олиш даркор. Масалан, қиммат туралидиган мураккаб жиҳозларни талаб қыладиган автомобиль ишлаб чиқариши фонди ҳажми технологик жиҳатдан мураккаб булмаган халқ иsteъмоли товарларини ишлаб чиқаралған корхоналарга нисбатан онандай автомобиль заводи активлариниши паст унумдорлигини белгилаб беради.

Асосий фонdlар унумдорлиги сотицдан келған тушумнинг асосий воситалар ва номоддий активлар ўртача йиллик қийматига нисбатини ташкил этади:

Асосий фонdlар унумдорлиги	=	Сотицдан келған тушум 2-ш (050)
		Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йилтик қолдик қиймати 1-ш (022 + 012)

Бу мамлакатимиз амалиётида кең тарқалған асосий ишлаб чиқариш фонdlаридан фойдаланғанлик даражасини акс эттирадиган фонд унумдорлиги кўрсаткигидир. Асосий фонdlарни айниқса фондни кўп талаб қыладиган ишлаб чиқаришида суст банд қилингандан тархни анча ошириб, рентабелликни пасайтиради. Бироқ, бошқа томондан, фонд унум-

дорлигини пасайтириш янги қувватларни ишта түшириш ски ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш билан болжик бўлиши мумкин, бу эса вақти билан ижобий натижаларни беради.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрига қарагандай амалийда бу курсаткич кунинча асосий воститалар ва шомоддий активларнинг дастлабки баланс қиймати ҳисоб-китоб биладап келиб чиқиб аниқлашади. Фикримизча, формулаша курсатилганидек, бу курсаткични аниқлашада маҳражда асосий воститалар ва шомоддий активларнинг уртacha йиллик қолдиқ қиймати акс этиши лозим. Бу эса унумдорлик ҳисобот даврида ушбу активларнинг ҳақиқий қиймагига қанчалик мос тушишидан далолат беради.


Корхонанинг мотиявий натижалари кўп жиҳатдан оборот маблағларидан оқилона фойдаланиш ва улар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Оборот маблағларидан фойдаланиш даражаси оборот қилиш курсаткичларини акс этиради, улар барча оборот маблағлари бўйича еки оборот маблағларининг муайян турлари бўйича ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Оборот қилиш курсаткичтарини жорий активларнинг алоҳида таркиби қисмлари (ишлаб чиқариш захиралари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари) бўйича баҳолаш ликвидлик курсаткичлари таҳдилини тўширади ва чукурлаштиради.

Оборот маблағларининг оборотда булиши — маҳсулотни сотишдан келган соф тушумнинг оборот маблағлари уртacha йиллик қийматига нисбати ёки ҳисобот даври (йил) учун амалга оширилган оборотлар уртacha сонилир:

$$\frac{\text{Оборот маблағларининг оборотда булиши}}{\text{ оборотда булиши}} = \frac{\text{Сотишдан келган соф тушум 2-ш (050)}}{\text{Урта йиллик жорий активлар 1-ш (180 + 330)}}$$

Захираларнинг оборотда булиши — сотилган маҳсулот танцархининг ишлаб чиқариш захираларининг уртacha йиллик қийматига нисбати:

$$\frac{\text{Захираларнинг оборотда булиши}}{\text{ оборотда булиши}} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқарнига кетсан харажатлар 2-ш (060)}}{\text{Уртacha йиллик захиралар ва харажатлар 1-ши (120 дан 160 гача)}}$$



Дебиторлык қарзининг оборотда бўлиши (ундирилиши) — сотишдан келган соф тушумнинг дебиторлык қарзининг ўртача йиллик суммасига иисбати:

$$\frac{\text{Дебиторлык}}{\text{Карзининг оборотда бўлиши}} = \frac{\text{Сотишдан келган соф тушум 2-ш (050)}}{\text{Дебиторлык қарзи 1-ш (220 дан 290 гача)}}$$

Агар дебиторлык қарзининг ўсиши тушум ўсишидан юқори бўлса, ундирилиш курсаткичи камаяди. Демак, дебиторлык қарзининг катта суммаси мавжуд ёки маҳсулот олдиндан ҳақ тулаимай ва харидорнинг тўловга қобилити яъни кредиторлык қарзининг оборотда бўлиши ҳисобга олинмай, сотилган.

Худди шундай, гарida тушумни ўртача йиллик кредиторлык қарзига бўлиш иули билан кредиторлык қарзининг оборотда бўлиши ҳисоб-китоб қилинади.

Ушбу икки курсаткич буюргмачилар учун ҳам, харидорлар учун жуда муҳимлир, чунки оборот маблагларининг оборотда бўлиши ва молиявий мустақиллик ҳақида тасаввур беради.

Кейинги ички гаҳтил учун оборот маблаглари унсурлари буйича ўртача оборот даврларини ҳисоб-кигоб қилиш ҳам фойда беради. Чунончи, 365 кунни захираларни оборотда бўлиши курсаткичига булиш орқали захиралар обороти ўртача даври аниқланади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини сўндиришининг ўртача даври худди шундай ҳисобланади, бу эса молиявий ва шартнома интизомларини бузгалик учун хўжалик юритиш субъекти ёки унинг раҳбарига молиявий жарималар қўттайдиган давлат иқтисодий органлари учун айниқса муҳимлир.

Охир-оқибатда корхонанинг молиявий ҳолати униш узоқ вақт давомида қашчалик фойда куриб ишлаётганилигидан келиб чиқади. Шунинг учун олинаётган фойда миқдорига бевосига боғлиқ бўлган рентабеллик курсаткичларини баҳолаш ва таҳтил қилиш катта аҳамият касб этади. Рентабеллilikning куплаб коэффициентлари мавжуд. Уларнинг барчаси ягона чизма буйича курилган: суратда молиявий фаолият ёки сотишдан тушсан ялпи, соф фойда, маҳражда — активлар (сармоя), харажатлар ёки ялпи да-

ромад күрсатылади. Рентабелтіккінг энг күп тарқалған курсатқычтариниң күриб чиқаіттік.

Активтарнинг соф рентабелтік соф фойданинг корхона барча активлари ўртача йилдік қыйматына нисбатиди ташкил этади, янын коэффициент активнинг ҳар бир сұмын неча сұм соф фойда көлтираёттегілігінің курсатади.

$$\text{Активтарнинг соф рентабелтік} = \frac{\text{Соф фойда 2-ш (200) (яна бир мэрзі текщириң көрк)}}{\text{Активтарнинг ўртача йилдік сұммасы 1-ш (110-сатр)}}$$

Акциядорлык сармоясинаң соф рентабелтік — соф фойданинг устав сармоясига нисбати, янын коэффициентті акциядорлык сармоясинаң ҳар бир сұмын неча сұм соф фойда көлтираёттегілігінің ақс этиради:

$$\text{Акциядорлык сармоясинаң соф} = \frac{\text{Соф фойда 2-ш (200)}}{\text{Рентабелтік}} \quad \text{Уртача йилдік устав сармояси 1-ш (320)}$$

Үшінші күрсаткыч акциядорлар ва әхтимолий инвесторлар учун алохыла қызықынан үйретади, чунки соф фойда ҳисобига дивидендлар тұланады. Акциядорлар даромади коэффициентті дивидендлар миқдори күрсатқычи ҳисобланады, янын устав сармояси ёки акция номинал қыйматыннан ҳар 1 сұмын учун тұланадыған дивидендларни аниқтайади.

$$\text{Акциядорлар даромади} = \frac{\text{Акциялар ва базалтар бүйінша даромадтар}}{\text{коэффициентті}} \quad \text{Уртача йилдік устав сармояси 1-ш (320)}$$

Дивидендтарнинг камайинши ҳар доим ҳам корхона молиявий ҳолдігинин ёмонашғаны билең болғынан булмастығын таъқидлаш лозим. Соф фойданинг иштаб чиқаришини ривожлантириши ва истиқболли лойиҳаларни амалда оширишга шұнастырылған улуттың күштігінде ҳисобига дивидендларға ажратылған улутши камайинши мүмкін. Акциядорлар даромади коэффициентті корхонанинг «стуклик» даражасини ақс этиради. Одатда ёш, куч түптаёттегі корхоналар оз җажемда дивидендлар тұлайды, вәхделапки мұхым тармоқтардаги «камолотта әриштегі» корхоналар осақтарап дивидендлар тұлаптаға интилади.

Кенг тарқатған курсаткичтардан бири — *сотилған маҳсулот рентабелшілігі*, яғни маҳсулот солишидан түшпән фойданинг солишидан келған түшумта нисбати:

Сотилған маҳсулот рентабелшілік	$=$	Сотилған маҳсулотдан түштән фойда 2-ш (070)
		КҚС, эклиз солити ва бөжләр чеңирилгән солишли келған түшум 2-ш (050)
Сотилған маҳсулотинин ишлаб чиқариш тәнниархига күра рентабелшілік	$=$	Сотилған маҳсулотдан түштән фойда 2-ш (070)
		Сотилған маҳсулотинин ишлаб чиқариш тәнниархига 2-ш (060)

Сотилған маҳсулот рентабелшілігі күрсаткичи корхона нарх сиёсатининг имкониятларини белгилаб беради. Агар бу күрсаткич жуда паст бўлса, корхона ўз маҳсулотлари нархини арzonлаштира олмайди, чунки бунда ўзарар кўриб иштайди.

Сотилған маҳсулот рентабелшіліги солишидан түшган фойданинг сотилған маҳсулотининг ишлаб чиқариш тәнниархига нисбати орқали аниқланади. Сотилған маҳсулот рентабелшілігининг икки күрсаткичи таққосланганда давр харажатлари ва асосий ишлаб чиқариш билан боғланмаган молиявий фаолият харажатлари солишидан түшган фойла суммасига қанчалик таъсир күрсатишими таҳлил қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз амалиётидаги *ишлаб чиқариш фондлари умумий рентабелшиги* күрсаткичи тарқатған:

Ишлаб чиқариш фондлари умумий бенгабе үнити	$=$	Солиқлар тўланингача бўйган фойда 2-ш (170)
		Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва моддий оборот мабләзлари ўртача йиллик қоллиқ киймати 1-ш (022 + 120 даен 160 гача)

Бу күрсаткич ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиши даражаси ва улар самарадорлигини акс эттиради. Унга қараб инвесторлар мазкур корхона ишлаб чиқаришига қўйилған пулларнинг унумдорлиги қанчалик бўлиши ҳақида хуносаси чиқаришилари мумкин.

Акциядорлик сармоясининг соғ рентабелшиги эдиг умумлаштирилган күрсаткич ҳисобланади. Ушбу күрсаткичини ўзгаришига олиб келадиган сабабларни аниқлаш учун учиомилли модель кўрининшида тақдим этилади:

Акциядорлик сармоясияннин соф рентабеллігі	Соф фойла Сотилан келған түшум	Сотицаш келған түшум	Активлар Үртация йылшық суммасы	Активлар үртігінен ти суммасы
				Үртация йылшық устав сармояссы

Дюпон формуласи номи билан таниш бўлган бу нисбат (биринчи марта «Дюпон де Немур» компаниясида кўлланган) таҳдил ишларида кенг кўлланылади. У акциядорлик сармояси рентабеллиги уч омил: маҳсулот рентабеллиги, активлар унумдорлиги ва улар таркиби ёрдамида аниқланишини кўрсатади. Агар таҳдил жараёнида акциядорлик сармояси рентабеллиги муайян давр ичидан пасайғалитиги кузатилса, Дюпон формуласи бунинг сабаби: 1) маҳсулот рентабеллиги пасайғалитиги; 2) активлардан фойдаланишининг ёмонлапини ёки ногурилтиги, натижада улар унумдорлиги пасайини; 3) сармоя таркибининг уяринини ҳисобига амалга ошиганигини кўрсатиш имконини беради. Ҳар бир омилнинг таъсири занжирни алмаштириш усули билан аниқланади.

Таъкидланган учала омилдан ҳар бирининг аҳамиятини баҳолашда тармоқ хусусиятларини назарда тутиш лозим. Чунончи, фонд ҳажми катта тармоқтар (Энергетика, машинасозлик, металтургия ва бошқалар)да активлар унумдорлиги паст, маҳсулот рентабеллиги эса аксинча нисбатан юқори бўлиши мумкин. Сармоя таркиби (ушибу ҳолда молиявий бўйсуниш) курсагичи корхонанинг нобарқарорлигини кўрсатади. Корхона узининг молиявий барқарорлигини пасайтириш ҳисобига активлар рентабеллигини ошириши, яъни молиявий хатар даражасини ошириб, кўпроқ фойда олишига ҳаракат қилиши мумкин. Бу юқоридаги рентабеллик ўсиши банкротлик хатарини заифлаштирумай, аксинча, баъзи ҳолларда ҳатто кучайтириши ҳам мумкин деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Бозор иқтисодиётiga асосланган мамлакатларда молиявий таҳдил қилинада акциядорлик жамиятлари амалий фоалтигини баҳолаш учун ички маибалар ҳисобига ўсиши барқарорлиги коффициенти кўлланылади. У тақсимланмаган фойдани (у дивиденделар куринишида тұланмай, корхона ривожланишинига қайта инвестицияланади) устав сармоясига бўлиш йўли билан ҳисобланади:

$$\frac{\text{Ұсип барқарор тиғиңдегі коэффициент}}{\text{Тақсимланған фойда}} = \frac{\text{Соғ фойда}}{\text{Ургача Ынъик үстів сармоясы}} + \frac{\text{Акциялар ва бадалдар бүйінша даромадтар}}{\text{Ургача Ынъик үстів сармоясы}} \\ \text{1-ш (320)} \qquad \qquad \qquad \text{1-ш (310)}$$

Акциядорлық жамияти үз сармоясими акцияларни құшимча чиқариш ёки соғ фойданынг бир қисмини қайта инвестициялаш ҳисобига күнайтириши мүмкін. Шу тариқа барқарор үсіш коэффициенті акцияларни құшимча чиқариш йұли билан сармоянты жалб қылыш ҳисобига әмас, балки корхонанинг молиявиі-хұжалық фәолияти натижалари бүйінша үз сармоясимиң үртака үсіш суръатларини курсатади. Бу коэффициентте қараб, агар турлы молиялаш манбалари фонд унумдорлығы, ишлаб чиқариш рентабеллігі, дивиденд сиёсати ва бошқалар үргасыла шактланған нисбаттар үзгартмай қолса, кейинчалик ҳам корхона үз сармоясими күнайтириш учун қандай имконияттарға эта бұлишти туғрисида тасаввур ҳосил қылыш мүмкін.

Корхонани ривожлантиришінинг мақбул суръатларини танлаш — бозор иқтисодиеті шароиттада молиявиі таҳлил ва режалантиришінинг асосий вазифалардан бирилдір. Баъзи ғарблық мұтахассислар күттаб компанияларнинг амалдік тажрибасыга таяниб, потүрі инвестиция сиёсатини танлаган ва қисқа муддатда жуда тез үсіш суръатларига әришиштага интиляётін корхоналар күшинча банкрот булады, деб таъкидлашмоқда. Бироқ, жуда секин суръатлар ҳам мақбул әмас, үргача үсіш суръатларига әришиш лозим. Мақбул үсіш суръатларини аниқтанды үсін барқарорлық коэффициентін баҳолаш ёрдам беради.

Үсіш барқарорлығы коэффициенті қаидай омиллар таъсирида таъминданышын аниқтап үчүн қүнделігі де терминантланған омилдар модели құланады:

$$\frac{\text{Барқарорлық коэффициенті}}{\text{Сотиштан келтап ғашым}} \times \frac{\text{Соғ фойда}}{\text{Сотиштан келтап ғашым}} \times \frac{\text{Активлар умумий сұммасы}}{\text{Мажбурияттар умумий сұммасы}} \times \frac{\text{Соғ фойда-тати лиши-леши үлүши}}$$

$$\frac{\text{Актив іар умумий сұммасы}}{\text{Мажбурияттар умумий сұммасы}}$$

Мазкур модельде бириңчи ва иккінчі омилтар (активлар унумдорлығы ва маңсулот рентабеллігі) иштаб чиқарып фәолияттады, үчинчеси ва түртінчі омилтар молиявиі

барқарорлық, дивиденд фонди улуси — молиявий фәолият, дивиденд сиёсатини акс эттиради. Корхона үсінші барқарорлиги коэффициентини оқылона меңерда уштаб туриш мақсадыда иштаб чиқарыш жараёнини тақомиғланғириш (фонд үнүмдерлігінің ошириш), оқылона нарх сиёсатини юритиш (маҳсулот рентабеллігінің ошириш), күшімчы кредиттарни жағіб қылыш, етти үлчанған дивиденд сиёсати каби иқтисодий воситалардан фойдаланиши мүмкін.

Акциялорлық жамияттарини молиявий таҳдил қылышда молиявий ҳисобот хұжжатларидан таңқари, шунингдеңдек корхонанинг қимматли қоғозлар бозорда туттан ҳолати ҳақылдаги ташқи ахборот, яғни Қимматли қоғозларни мувофиқташтырыш маркази томонидан тасдиқланған ҳисоботдан ҳам фойдаланылади. Қимматли қоғозларнинг биржасы ва биржадан ташқари бозорлари — корхонадаги ишлар ҳолатининг энг сезгір индикаторларидір (ахборот манбалары: «Топкейт» республика фонд биржасы ахборот бюллетени, «Вақт» миллий депозитарийси ахборот бюллетени, Консаудитинформ бюллетени). Корхона молиявий ҳолатининг ёмоналашиши унинг акцияларига тағабанинг камайышында үлар бозор қыйматининг тушишында оліб келади. Бозор фәолітінің бағолашпанинг асосий күрсакчишілері: акция көлтирган фойда, акциянынг бозор қыйматы, акция рентабеллігі, дивиденд ёзіліши, акциялар котировкасы коэффициентидан иборат.

Акция көлтирган фойда имтиёзли акциялар буйича дивидендер сүммасынан камайтирилген соғ фойдаланынг чиқарылған олдій акциялар умумий миқдорига нисбатини акс эттиради. Айни шу күрсакчишік акциянынг бозор қыйматынан көттегендегі таъсир күрсатади. Тадқиқтандырылған корхона фәолиятінің бағолашынан мұайяш үшін деңгелде үшбұраңдық күрсакчишіндең үзгаришини гекшеришиади. Туғри, бу күрсакчишік асосданынбай фақат яқын истиқболға прогноз қылыш мүмкін.

Акциянынг бозор нархи — акция қыйматининң акция көлтирган фойдалаған нисбатидір. Бу күрсакчишік инвесторларнинг корхона акцияларига қизықынин күрсатади. Ушбу күрсакчишіндең тез суръатда үсінші бозорда акцияларни мұомалага чиқарған болықта корхоналарга нисбатан ҳам мазкур корхонанинг фойдаасы үсінші күтилаётганини билдиради.

Корхона ҳолати ёмонлашында ёки бозор контрагенттери нүктеси нағаридан олганда унинг фаолияти хатари ошгана, одатда, акция бозор қийматининг курсаткичи тушади. Корхонанинг қандай тармоққа тегиншилиги ёки фонд биржасында шактланган ургача қипматдан келиб чиқиб, ушбу курсаткич миқдори юқори, уртача ёки наст деб топилади.

Акция рентабельиги — дивиденднинг акцияниң бозор қийматига нисбати. Соф фойданинг каттагина қисмини қайта инвестициялаш йули билан ўз фаолиятини кенгайтираётган компанияларда бу кўрсаткич нисбатан анча пастлар. Акция рентабелтиги корхона акциясига сарфланган сармоянинг ларомадлилиги даражасини курсагади. Бу унинг бевосита таъсирилдири, бироқ акция бозор қийматининг узгаришида кўзга ташланадиган яна білвосита таъсири (даромад ёки зарап) ҳам мавжуд.

Дивиденд даромади — дивиденднинг бигта акция соф фойдасига нисбати. Бу курсаткич корхона соф фойданинг қайси қисмини акциядорларига дивиденд тўлаш учун йўналтиришини курсатади. Дивиденд даромади корхонанинг дивиденд сиссатини ва айни вақтда қисман инвестиция сиссатини аке этиради, чунки соф фойданинг қолтаги қисми корхона ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга қўйга инвестицияланади. Акция котировкаси — акция бозор қийматининг унинг бухгалтерия қийматига нисбатидир.

Бухгалтерия (баланс) қиймати — корхонанинг бигта акцияга тўғри келадиган уз сармояси. Бухгалтерия қиймати акцияниң номинал қиймати ва корхона ўз маблағларининг бошқа таркибий қисмлари (гақсимлаимаган фойда, резерв сармояси, мақсадли тушумлар ва бошқалар, яъни баланс пассивининг I қисми)ни ўз ичига олади. Котировка коэффициенти қийматининг бирдан катталиги эҳтимолий акциядорлар акцияни харид қилаётганда унинг бухгалтерия қийматидан ортиқ нарх беришга тайёр эканликларини билдиради. Агар котировка коэффициенти бирдан кам булса, бу корхонада инвестицияларни жалб қилиш учун замин йўқлиги, унинг молиявий ҳолати барқарор эмаслигини, бозорда корхона мулки бухгалтерия ҳисобварақларида аке этган қийматдан арzoniga баҳолаштганлигини аингланади.

Шу тариқа юқорида көлтирилған молиявий курсаткічдар таҳти корхонанинг ишлаб чиқарыш, тижорат ва бозор фаолдигини тұлық баһолап, уннан күтінің жағдайын анықташ, келажақда банкроттықка оған көдиши мүмкін болған хатар белгиларини үз вакыла анықташ имкони-ни беради.

2-жадвалда көлтирилған маълумоттар «ТЕКСТИЛЬ» корхонасынинг иккі чораклагы амалий фаолдиги курсаткічлары динамикасини акс эттиради.

2-жадва:

«ТЕКСТИЛЬ» корхонаси амалий фаолдиги курсаткічлари

Күрсаткічлар	01.01.97 й.га	01.01.98 й.га
Ресурслар самарадорлігі (унумдорлыш) курсаткічлари		
Барча активлар унумдорлігі (оборотда бүлиши)	0,002	0,002
Асосий фондтар унумдорлігі	0,167	0,189
Оборот маблағдарининг оборотда бүлиши	0,001	0,003
Захираларшының оборотда бүлиши	0,001	0,003
Дебитор шик қаршынан оборотда бүлиши	0,006	0,009
Рентабельлік курсаткічлари		
Активтар соғын рентабельлігі	0,001	0,001
Акцияладырылған сармояспен соғын рентабельлігі	0,278	0,264
Ишлаб чиқарып фондтаринан умумий рентабельлігі	0,030	0,033
Маҳсулот рентабельлігі	1,000	1,000
Бағдар фандың курсаткічлари		
Битіл ақция көлтирган соғында, сұм	2406	2612
Дивиденд чиқыши	—	0,268

2-жадвалдан күриниб турибиди, «ТЕКСТИЛЬ» корхонасыда иккі чорак мобаппана асосий фондтаринанғ сама-

радор.иги күпайши күзатилиши. Бирок мазкур ҳолда мусбат натижә йўқ, чунки тушум сотилаётган маҳсулот нархини ошириш ҳисобига кўпайган, асосий фондлар эса ўз қийматини амалда ўзгартирган ва қағія баҳоланимаган. Оборот маблағтари, ишлаб чиқариш захиралари ва дебиторлик қарзи курсаткичларида ошишга мойилтик кузатилиди, иккинчи чоракла уларнинг қийматлари барқарорлаши.

Активлар рентабеллиги курсаткичларига биринчи чоракда тахминан бир даражала ушланиб турган, иккинчи чоракда эса пасайган маҳсулот рентабеллиги динамикаси таъсир кўрсатди. Акция келтирган соф фойда иккинчи чоракда ошли. Шу тариқа, «ТЕКСТИЛЪ» корхонаси амалий фаоллиги курсаткичларини таҳтил қилиш унинг хужалик натижалари барқарор эканлигидан далолат беради.

Фарбда ишлаб чиқилган банкротликни прогнозлаш моделлари ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига мос келади. Ўзбекистоннинг ўтиш даври иқтисодиёти учун шундай прогноз моделларини ишлаб чиқиш зарур. Мамлакатимизининг бозорга кириб бориши, хусусийлаштириш жараёнларининг ривожланиши ва миљий иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитининг яратилиши билан бу вазифанинг аҳамияти ошиб бормоқда.

КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИИ НОЧОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Республика барқарор иқтисодиётининг шакланиши шароитида иқтисодий почор корхоналарни ўз вақтида аниқлаш, уларининг молиявий соғломлашишита кумаклашини ва банкротликдан сақтаб қолиш республиканини иқтисодий ўсими учун муҳим омил булиб хизмат қилади.

Корхоналар почорлитини аниқлаш учун қуийдаги атамалардан фойдаланылади:

зарармаслик — харажатлар даромадлардан ошиб кетганида корхонанинг молиявий ҳолати даражаси;

тўловга ноқобилик — қарздор бажариш муддати етиб келиган нул мажбуриятлари ва бошқа нул кўринишидаги талабларни бажариш, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий туловларни таъминлашта қодир бўлмаган ҳолда корхонанинг молиявий ҳолати даражаси;

иқтисодий почормик — корхона унга тегишини мол-мулк ҳисобига нул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талаблари, жумладан, иш ҳақини тулаш тўғрисидаги талабларни бажариш, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий туловларни таъминлашта қодир бўлмаган ҳолда корхонанинг молиявий ҳолати даражаси;

санация — судга қадар корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини соғломлаштириши-бўйича чора-гадирлар мажмумин ўтказилиши;

санация қатнашчилари — санацияда молиявий ёрдам курсаталиган юризик ва жисмоний шахслар, шунингдек ташқи бошқарувчи;

молиявий барқарорлик — корхона активлари ҳолати ва таркибини ҳамда уларниң қоғлаш манбалари билан таъминланганигини курсагувчи молиявий ҳолат даражаси;

нул мажбурияти — қарздорниң фуқаролик-хукуқий шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кузланган бошқа асосларга кўра кредиторга муайян нул суммасини тулаш мажбурияти;

тажбурий тўловлар — қонун ҳужожатлари гомонидан белгиланган гартиб ва шартларда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тулаандиган солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий туловлар;

қарздор — қонун ҳужжатлари томонидан белгиланған муддатда нул мажбуриятлари бүйіча кредиторлар талабларын қондириші ва (ёки) мажбурий тұловларни тұлаш бүйіча мажбуриятларни бажарыпта қодир буттеган жиесөнний шахс; шу жумладан хусусий талбиркор ёхуд юридик шахс;

қарздор раҳбари — юридик шахснің якка шаһсели ижроия органды, шунингдек қонундарға мувофиқ инциончомасиз юридик шахс номидан фаолият юритадиган бошқа шахстар;

кредиторлар — ҳасты ва саломатлігінә зарар етказғанligи учун қарздор жағобгар бүлған фуқаролар, шунингдек бундай қатнашилдан келиб чықадиган мажбуриятлар бүйіча қарздор-юридик шахс таъсисчилари (интироқчилари)дан ташқари нул мажбуриятлари бүйіча кредиторлар.

Корхоналар иқтисодий почорлығы ҳақидаги ишлар бүйіча құмітга томонидан ишлаб чиқылған Корхоналарнинг иқтисодий почорлығы аломатларини ашиқлаш мезонлари тизимінде (І-илова) мувофиқ, корхоналар почорлығы даражасы корхонанинг иқтисодий почорлығы аломатлары мавжудлігінің ақе этирувчи түрт мезон бүйіча бағыланады. Күрсатилған мезонлар тизимінде куралады:

— корхона баланси тузылмасини қонықарсиз, корхонаның эса почор деб тан олиш;

— қарздор корхонанинг тұловға қобиллігінің тиқтап имкони туғрисида қарорлар қабул қылышы мүмкін.

Күрсатилған қарорлар қонундар томонидан белгиланған корхона почорлығинин ташқи белгилари мавжудлігі, яғни корхонанинг кредитор іар олдидаги қарзи санаесі З ойдан ортиқ муддатта узайтырылғандығы ёки ғиүқтігидан қатын назар қабул қылышады («Банкроттик тұғрисида»ғы Қонунинде I-модда). Юқорида күрсатилған Мезонлар тизимінде мувофиқ қабул қылышады қарорлар тұловға иоқобил корхоналарға молиявий ёрдам беріш, үларни хусусийлаштырыш, шунингдек амалдагы қонун ҳужжатлары томонидан белгиланған бошқа ваколаттарни құллаш учун асос булып хизмат қыллады.

Корхоналар молиявий ҳолатини баҳо ішін қабул қылышады мезонлар меңгеріл қийматлары ягона булып, корхона қайси тармоққа мансублігидан қатын назар тегишили

бұлади. Бу ҳар бир корхона юрилик шаҳс сифатыда хужалик фаолияти натижалари учун бугун мол-мұлқи билан жағобтар бұлиши билан изоҳланади. «Банкротлик түгрисіндегі Қонун ҳам корхоналарнинг бирор тармоқ ва ҳудуди ҳусусиятларини ҳисобға оладиган қандайдир истиеснолар қилмәши».

Күйилагилар корхоналар иқтисодий почорлыгини аниқташып, утун асосий курсаткичтар ҳисобланади:

- тұловға қобиғтік коэффициенті;
- үзининг ва қарз маблагларының иисбати коэффициенті;
- молиявий мустақіллік коэффициенті;
- үз оборот маблаглары билан таъминланғанлық коэффициенті.

Тұловға қобиғтік коэффициенті корхонаның тұлов имкониятларини, яғни уннан оборот маблағлары қанчалық қисқа муддатты мажбуриятларни қоплаштырып күрсетади.

Коэффициент Мезонлар тизими аосыла формула орқали аниқтанади. Оборот маблағлары сүммасини аниқтауда муддатты үтгап дебиторлық қарзи сүммаси оборот активлары сүммасидан айрилған, чунки муддатты үтгап дебиторлық қарзи кредиторлық қарзини қоплаған оладиган корхонаның ҳақиқий оборот маблагы була олмайды. Шуни ҳам таъкилдаш керакки, барча мажбуриятлар сүммасидан узоқ муддатты кредиторлық қарзи сүммаси айрилған, чунки бу сүмма корхоналар маблағларининг үз манбаларига теңглашып табады.

Агар коэффициентті 2 дан кам қойматта эта булса, бу курсаткич бүйіча корхона почор ҳисобланади. Бу ҳол оборот активлары қисқа муддатты қарздан иккі барабар ортиқ бұлиши керак, бундан кам булса, демек корхона тұловға қобил әмаслигини анылатади.

Үзининші ва қарз маблағларының иисбати коэффициенті үз маблағларининг қисқа муддатты қарз манбалары билан таъминланғанлық даражасини күрсетади, яғни үз манбалары (устав сармояси, құшилған сармоя, резерв сармояси, тақсимланған фойда) сүммаси қисқа муддатты қарз сүммасидан күп булиши лозим. Агар шундай булмаса, бу нараса корхонаның айтилған курсаткич бүйіча почорлығыдан далолат беради.

Корхонанинг кредитордан қарзини аниқланыда узок муддатли кредиторлик қарзи айрилади, коэффициент Мезонлар тизими бүйіча формула билан аниқланады ва 2 даң кам бұлмаслиги керак; агар ундан кам булса, демек, корхонанинг үз маблағ манбаларига қараганда кредиторлик қарзи күпцір, яғни бу ҳолда кредиторлик қарзини узинше гаъминалаш үтүн кафолат бўлмайди.

Молиявий мустақиллік коэффициенти корхона молиявий мустақиллігининг ошганлиги, бўлажак даврларда молиявий қийинчиліктар хатари камағанлиги, корхона томонидан үз мажбуриятларини сўндириши кафолати ошганлигидан далолат беради. Бу курсаткичининг пасайини тегишти равишда корхона молиявий мустақиллігининг камағанлиги, келажакла молиявий қийинчиліктар хатари кунағанлигидан далолат беради, бу оса үз навбатида корхона томонидан кредиторлар оллидаги үз мажбуриятларини сўндириши кафолатларини камағиради.

